O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 24 FEVRAL ◆ SHANBA ◆ № 25 (26.727)

**23 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда «Кейс-Нью Ҳолланд» корпорацияси директорлар кенгаши раиси Жан Пьер Россони қабул қилди.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

«Кейс-Нью Ҳолланд» корпорацияси мамлакатимизда бир неча йиллардан буён муваффақиятли фаолият кўрсатиб келяпти. Айни пайтда «Кейс» русумли техниканинг мамлакатимиз далаларида ишлаб келаётгани ҳамкорликнинг самарали бўлаётганидан дарак беради. Корпорация билан ҳамкорликда ташкил этилган «ЎзКейсмаш» қўшма корхонасида эса мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун кўплаб техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, 1997-2000 йиллар давомида бу ерда 697 дона «Кейс» пахта териш машинаси йиғилди. 2000 йилда ишлаб чиқарилган 200 машина лизинг асосида хўжаликларга сотилди. Жорий йилда қўшма корхонада қўшимча равишда яна 100 дона пахта териш машинаси ишлаб чиқариш тўғрисида келишувга эришилган. Ҳозир «ЎзКейсмаш»да Хитой ва Осиёнинг пахта экиладиган бошқа мамлакатларига етказиб бериш учун 4 ва 5 қаторли шундай машиналар йиғишни ташкил этиш бўйича тайёргарлик бормоқда.

«ЎзКейстрактор» қўшма корхонаси ҳам «Кейс-Нью Ҳолланд» билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, сўнгги икки йилда бу ерда 238 дона универсал ҳайдов трактори йиғилди. Жорий йилда яна 100 дона трактор ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Айни пайтда корпорация Ўзбекистонда гидравлик экскаваторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мўлжалламоқда. 1999-2000 йилларда Тошкент ва Хоразм вилоятларида иккита ана шундай экскаваторнинг маҳаллий шароитга мослиги борасидаги синовлар муваффақиятли якунланди. Шу сабабли жорий йилнинг иккинчи ярмидан дастлабки элликта экскаватор ишлаб чиқарилиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, корпорация билан ташкил этилган қўшма корхоналарда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Жумладан, бу ерда йиғилаётган техника учун бутловчи қисмларни юртимизда тайёрлаш даражаси 2000 йилда 15,4 фоизга етди. Жорий йилда ҳам ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириб, бу кўрсаткични 31,1 фоизгача етказиш мўлжалланган.

Қабул чоғида давлатимиз раҳбари «Кейс-Нью Ҳолланд» билан алоқалар тобора чуқурлашиб бораётганидан мамнуният изҳор этаркан, корпорацияни Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори, деб билишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг «Кейс-Нью Ҳолланд» билан шерикликда иш юритаётган корхоналарида ишлаб чиқарилаётган техникани замонавийлаштириш, янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

■ (ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 6 мартга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2001 йил 6 март дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 23 февраль

## БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ — ЯРАТИШ ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИ!



■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

## ФАРАНГ ҚОМУСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА ЎҚИДИМ

**— дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори Муҳаммаджон Холбеков**

— Францияда «Кичик Ларусс қомуси» номли китоб нашрдан чиқди. «2001 йил, Асрнинг биринчи китоби» рукни остида чоп қилинган бу махсус қомус ҳақиқатдан ҳам XIX аср бошида француз маданий ҳаётидаги муҳим воқеадир. Ларусс туркумидаги бундай қомуслар Фарангистонда XIX асрдан буён чоп этилиб келинмоқда.

Қомусни варақлар эканман, унинг биринчи саҳифасида Ер юзидаги 193 мамлакатнинг ранг-баранг тусдаги байроқлари тасвирига кўзим тушди. Улар орасида мустақил юртимиз байроғини кўриб, ҳаяжонланиб кетдим. Китобда Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳаётига бағишланган мақолаларга кенг ўрин берилган. Қомуснинг 1572-саҳифасидаги «Ўзбекистон» («Ozbekiston») номли мақолада Ватанимизга «Марказий Осиёда жойлашган давлат. Асосан ўзбеклар яшайди. Пойтахти — Тошкент шаҳри. Давлат тили — ўзбек тили. Пул бирлиги — ўзбек сўми. 1991 йилда мустақил, деб эълон қилинган», дея таъриф берилган. Саҳифага юртимизнинг рангли харитаси туширилган. Қомусда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби шаҳар, вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида ҳам мақолалар бор. Мақолаларга Исмоил Сомоний мақбараси, Улуғбек ва Шердор мадрасаларининг фотосуратлари илова қилинган.

Ларусс қомусидаги Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад ал-Хоразмий ва Ибн Сино каби алломаларимизга бағишланган мақолалар ҳам диққатингизни тортади. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари то XVIII асрга қадар жаҳон табобатида асосий қўлланма бўлганлиги ёки ал-Хоразмийнинг «Алжабр» рисоласи дунё илмида «алгебра» фанига асос солганлиги ўринли эътироф қилинади.

Шарқ уйғониш даврининг маданиятига асос солган ал-Бухорий, Мотуридий, ал-Фарғоний, ат-Термизий, Беруний, Улуғбек, Навоий каби буюк сиймолар ҳақида қомусда маълумот берилмаганлиги эса ажабланарли ҳол. Умид қиламизки, бу жиддий камчилик қайта нашрда албатта инобатга олинади.

■ **«Ўзбекистон овози» мухбири Лутфулла МАМАСОЛИЕВ ёзиб олди**

## ИСРОИЛДА МАЛАКА ОШИРИШДИ

Яқинда Исроилда мамлакат Ташқи ишлар вазирлигининг «Машав» халқаро ҳамкорлик маркази ҳамда «Синадко» қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро маркази томонидан ташкил этилган «Мева-сабзавотчилик: уларни етиштириш, бошқарув ва маркетинг» мавзуидаги курс ниҳоясига етди.

Мазкур малака ошириш курси агрономлар, хусусий хўжаликлар эгалари, илмий ходимлар ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва улар таъминоти соҳасидаги мутахассислар учун ташкил этилди.

Ўқув курси давомида жаҳоннинг 13 мамлакатидан, жумладан, Ўзбекистондан келган соҳа ходимлари қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурларни ўрганишди. Бундан ташқари агрономлар Исроилнинг мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш маданияти, ўсимликларни ҳимоя қилиш, заҳарли кимёвий моддалар қўлламай зарарли ҳашаротларга қарши курашнинг самарали усуллари, шунингдек, томчилатиб суғориш тизимидаги ишлар билан яқиндан танишдилар.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, малака ошириш давомида мавзуларнинг назарий томонларидан кўра амалий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилди.

Таъкидлаш керакки, «Машав» маркази 43 йилдан буён халқ хўжалигининг турли соҳаларини ўз ичига олувчи ана шундай машғулотларни ўтказиб келади. Шу пайтга қадар Ўзбекистондан 220 нафар мутахассис мазкур марказ томонидан ташкил этилган малака ошириш курсларида иштирок этди.

■ **Фахриддин ПАРПИЕВ, «Жаҳон» АА Тель-Авив.**

## ТОЛА ХОРИЖГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

Моддий манфаат бор жойда иш унумдорлиги яхши бўлиши бугун барчага аён. Бунга биз «Узун пахта» ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Жамоада 560 киши меҳнат қилар экан. Маошлар ўз вақтида берилмоқда. Ногирон, қаровчисини йўқотган ва меҳнат фахрийларига корхона ҳисобидан кўмак беріляпти. Ўтган йили ишчилардан 20 киши бепул йўлланмалар орқали турли оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришибди. Бу ерда ошхона, чойхона, тиббиёт хонаси мунтазам ишлаб турибди.

Ўтган 2000 йилда қабул қилинган 13266 тонна пахта қайта ишланиб, Швейцария, Бельгия, Италия, Жанубий Корея, Австрия каби ривожланган мамлакатларга жўнатилмоқда. Бир кеча-кундузда корхонада ўртача 50-60 тонна сифатли тола ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилда эса жамият 20 минг тонна пахтани қабул қилиш мақсадида тумандаги хўжаликлар билан шартнома имзолаган.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## Экспорт — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бултур 25 миллиард сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Бу 1998-1999 йилларга нисбатан икки баробар кўп. Айниқса, экспортбоп кимёвий хомашёлар — аргон, ацитон, метанол, формалин ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилиши бирлашманинг нуфузи ошишига сабаб бўлди. Зеро, тоғ-кон саноатида, металлургия тизимида кенг қўлланиладиган бундай хомашёлар бугунгача Россия, Хитой, Украина каби мамлакатлардан келтириларди. Энди мустақиллик шарофати билан бундай ноёб маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқариляпти. Тиомочевина, яъни олтинни қайта ишлаш заводлари учун ўта зарур кимё хомашёси ҳам Навоийда тайёрланмоқда. Бирлашма азаматлари ойига 75-80 тонна атрофида харидорбоп экспорт — тиомочевинани ишлаб чиқаришга эришмоқда. Шунингдек, албегит кислотаси ҳам четга чиқариляпти. Финляндия, Венгрия, Россия каби давлатларга бундай бирикмадан ойига 120 тоннагача етказиб бериляпти. Кимёгарлар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиб, ҳар йили 3-4 хилдаги жаҳон бозори талабига жавоб берадиган кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ҳаракат қилишмоқда.

■ **Музаффар ШАРОПОВ**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИЛГАНМИ, Ё?..»

*«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 1 февраль сонида чоп этилган «Экспертиза ўтказилганми, ё?..» сарлавҳали мақола бўйича тезликда вилоят ҳокимлигининг соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан малакали мутахассислардан иборат комиссия тузилиб, 7-8 февраль кунлари Поп туманига бориб, тегишли шахслар билан мулоқот ўтказилди ва уларнинг ёзма билдиришларини олиб ўрганиб чиқилди. Мақолада кўрсатилган ҳолатлар қисман ўз тасдиғини топди.*

*Аниқланган камчиликлар юзасидан вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси ходимларининг 2001 йил 12 февралдаги кенгайтирилган умумий йиғилишида масалани жиддий таҳлил қилиб, Поп туман эксперти Ш.Сатторовнинг йўл қўйган камчиликлари, мақолада кўрсатилган ва экспертиза қайд қилиш китобидаги вақтлар номутаносиблиги хизмат сохталигини билдиргани, мурда текширувида қўшимча гистологик анализга олинмаганлик фактлари тасдиқлангани учун вилоят суд-тиббий экспертиза бюросининг 2001 йил 12 февралдаги 9-сонли буйруғи билан Ш.Сатторовга ҳайфсан эълон қилинди.*

*Кўтарилган баҳсли масалани тўла ҳал этиш учун вилоят ҳокимлигининг соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан вилоят прокуратурасига 1975 йил 23 февралда туғилган марҳум Отабоев Комилжон мурдасини қайта суд-тиббий экспертизаси учун эксгумация ўтказиш тавсияси тўғрисида ёзма ахборот киритилди.*

■ **Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари М. РАҲМОНОВ**

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИ КЎЗЛАБ

*Мамлакатимизда спортнинг таэквандо турига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Якка курашнинг муросасиз баҳсларида ҳатто қизлар ҳам иштирок этаётгани шундан нишона. Пойтахтнинг «Жар» спорт мажмуида таэквандо бўйича ўтказилган республика биринчилиги оммавийлик, маҳоратнинг ўзига хос кўригига айланди. Ҳар бир йигит-қиз астойдил жанг қилиб мухлислар назарига тушишга ҳаракат қилди. Мусобақада эса вазнларига кўра Леонид Ли, Элмурод Нурхонов, Дмитрий Ним, қизлардан Ш. Шуҳратжонова, И. Пак, И. Раҳимова, Н. Умаровалар ғолиблик супасига кўтарилишди.*

*Мутахассислар Тошкент ҳарбийлашган солиқ коллежи талабаларининг майдондаги ҳаракатларини ҳам зимдан кузатишди. Хусусан, Флюра Бектемированинг «тиллар» машқида биринчи ўринни эгаллаши диққатга сазовор бўлди. У, шунингдек, «массоги» машқини ҳам маҳорат билан бажариб, кумуш медални қўлга киритди. Унинг мактабдоши Алексей Ким ҳам барча рақибларини доғда қолдирди. Фақат ҳал қилувчи учрашувда имкониятни бой бериб, кумуш медаль совриндори бўлди. Муҳими, ҳар иккала талаба мамлакат терма жамоасига қабул қилинди. Энди улар моҳир таэквандочилар сафида шу йил ёзда Италияда бўладиган жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўрадилар.*

■ **Умида МАНСУРОВА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Энергетика соҳасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, энергетика тармоқлари корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш ҳамда шу асосда мамлакат энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида:**

1. Қуйидагилар энергетика соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари деб ҳисоблансин:

энергетика тармоқларини монополиядан чиқариш тадбирларини изчил амалга ошириш, давлат томонидан тартибга солиш даражасини пасайтириш, электр энергиясини сотиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг электр узатиш линияларига боғланишлари учун тенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш;

энергетика тармоғининг йирик корхоналари — иссиқлик электр станциялари, марказлаштирилган иссиқлик-электр қурилмалари, электр тармоқлари корхоналари ва бошқаларни босқичма-босқич акциялаштириш;

ижтимоий инфратузилма объектларини, лойиҳалаш, қурилиш монтаж ва тузатиш ишларини олиб борувчи корхоналар ва ташкилотларни жадал суръатларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, улар негизида мулкчиликнинг нодавлат шаклларидаги корхоналар, шу жумладан, хусусий корхоналар ташкил этиш;

энергетика корхоналарини акциялаштириш, ишлаб чиқарувчи қувватлар ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш жараёнларига чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш;

электр ишлаб чиқариш, уни узатиш ва сотиш бўйича бошқарув тизимига ва хўжалик алоқаларига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш;

энергетика қувватлари ва кўмир саноатининг ўзаро боғлиқ ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш.

2. Энергетика корхоналарини монополиядан ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда акциялаштириш масалалари бўйича махсус комиссиянинг:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигини тугатиш ва унинг таркибий бўлинмалари негизида очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси («Ўзбекэнерго ДАК»)ни ташкил этиб, унинг таркибига мустақил юридик шахс ҳуқуқлари билан «Кўмир» акциядорлик бирлашмасини киритиш;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси тузилмасида электр энергияси узатиш бўйича юқори кучланишли тармоқлар шўъба корхонаси («Ўзэлектртармоқ») ташкил этиш;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича минтақавий шўъба корхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

республика иқтисодиёти ва аҳолисини электр энергияси билан барқарор таъминлаш, республика энергетика тизими иш режимларини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

электр энергетикаси ва кўмир саноатини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозларини ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантириш;

ишлаб чиқарувчи қувватлар ва электр тармоқларини, кўмир саноати корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳисобига реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

кўмир қазиб олиш бўйича геология-разведка ишларини мувофиқлаштириш, кўмир конларини очиш ва кўмир қазиб олишнинг самарали тизимлари ва усулларини жорий этиш, уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда ундан устун даражада фойдаланиш, энергиянинг қайта тикланадиган, шу жумладан, ноанъанавий манбаларини ривожлантириш ва жорий этиш;

республика корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда электр энергияси ва кўмирни тежаш, улардан оқилона фойдаланиш ва нобудгарчиликни камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, электр тармоқларининг вилоят корхоналари босқичма-босқич акцияларнинг назорат пакетини «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясида сақлаган ҳолда акциядорлик жамиятларига айланиб борадилар.

5. Мустақил Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги («Ўздавэнергоназорат» агентлиги) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўздавэнергоназорат» агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

6. Қуйидагилар Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, ташишда хавфсизликни таъминлашга қаратилган профилактик чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

лойиҳаларни экспертизадан ўтказишда ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича янгидан қурилган объектларни қабул қилиш ишларида қатнашиш;

ягона электр тизимига уланадиган доимий электр станцияларда электр энергияси ишлаб чиқаришни белгиланган тартибда лицензиялаш ишини ташкил этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 1990 йил 28 сентябрдаги ПФ-57-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ўн кун муддатда қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 22 февраль

ХДП ХАБАРЛАРИ

# ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Чироқчи туман кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш вазифалари муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан туман партия кенгашининг биринчи котиби М. Бойхонов, «Камолот» ёшлар жамғармаси туман бўлими раиси С. Аҳмедов, «Шўрқудуқ» хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Э. Қурбонов, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси У. Ҳамраевлар сўзладилар. Пленум ишида туман ҳокими ўринбосари Ш. Тоғаев иштирок этди.

* * *

Шунингдек, ХДП Муборак туман кенгашининг пленумида ҳам мазкур масала атрофлича муҳокама этилди.

* * *

ХДП Избоскан туман кенгаши томонидан ҳафтанинг ҳар душанба куни 36 та бошланғич партия ташкилотида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ва «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганиш бўйича, суҳбатлар ўтказиш ташкил қилинди.

* * *

ХДП Бешариқ туман кенгаши, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари билан ҳамкорликда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга бағишланган «давра суҳбат»ларини «Андархон», «Рапқон», «Қоражийда», «Қашғар», «Ватан» қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўтказди.

* * *

Халқ депутатлари Деҳқонобод туман кенгашига ХДПнинг 10 нафар вакиллари сайланган. Улар жами депутатларнинг 34,2 фоизини ташкил этади. Ҳозирги пайтда ХДПдан сайланган депутатлар аҳолининг, туманнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётига доир, таклиф-мулоҳазаларини ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш бўйича иш олиб бормоқда. Депутатлар А. Бобанов, Н.Янгибоев, Т. Холтўраевлар ҳаракатдаги қонунлар асосида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари юзасидан депутатлик сўровлари ва таклифларини тегишли ташкилотларга юбордилар.

* * *

ХДП Марҳамат туман кенгаши, «Депутатларнинг жамоатчилик қабулхоналарини ташкил қилиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш» мавзуида, семинар ўтказди.

* * *

Учқўрғон туман партия кенгаши томонидан ўтказилаётган «ХДП кунлари» эътиборли бўлмоқда. Кенгаш масъул ходимлари жойларда бўлиб, услубий тавсиялар бериш билан бирга, партия аъзолари ва аҳоли билан мулоқотлар ўтказаётирлар.

Туман маданият бўлими, иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтказилган тадбирлардан сўнг, 31 киши Ўзбекистон ХДПга қабул қилишни сўраб, ариза берди.

* * *

Косонсой туман партия кенгаши ҳам, қишлоқ хўжалиги тизимидаги «Деҳқонобод», «Ободон», «Бухоро» ҳудудий партия ташкилотларида, ички партиявий интизомни яхшилашга қаратилган, «ХДП кунлари»ни ўтказди.

* * *

ЎзХДП Уйчи туман кенгаши ўз оталиғидаги пиллачилик хўжаликларида мутахассислар, бригада бошлиқларининг сиёсий ўқув-семинарини ўтказди. Унда республика ижтимоий-сиёсий ҳаёти муаммолари тўғрисида сўз юритилди.

Амалий ёрдам сифатида, туман партия кенгашининг биринчи котиби С. Ғайбуллаев раҳбарлигидаги, бошланғич партия ташкилоти котиблари ва партия фаолларидан иборат гуруҳ, тумандаги пиллахоналарни, пиллачилик лабораторияларини таъмирлаш, тутзорларни яхшилаш ишларини назорат қилмоқда.

* * *

ХДП Янгиқўрғон туман кенгаши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, халқ таълими бўлими ва «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда, «Қонунларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти», «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мавзуларида, тумандаги барча ўқув масканларида, суҳбат ва учрашувлар ўтказмоқда.

* * *

Жондор туман партия кенгаши, тумандаги 2-интернат мактабида, ўқувчи ёшлар билан ижодкорлар учрашувини ўтказди. Тадбирда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати тўғрисида фикрлар алмашилди. Суҳбатда шоир Ғ. Шомуродов, ёзувчи М. Турсуновлар иштирок этдилар.

* * *

ЎзХДП Нарпай туман кенгаши, тумандаги 29-миллий ҳунармандчилик лицейида, «Миллий истиқлол мафкураси ва ёшлар» мавзуида, ўқувчилар билан суҳбат ўтказди. Тадбирда Олий Мажлис депутати, Нарпай туман «Пахтакор овози» газетаси бош муҳаррири Т. Тошмуродов қатнашди. Йиғилиш охирида Ўзбекистон ХДП сафига кирган, бир гуруҳ ёшларга, партия билетлари топширилди.

* * *

Шунингдек, ХДП Асака туман кенгаши, туман иқтисодиёт коллежида, «Ёшлар мамлакат умиди, миллат таянчи» мавзуида, «давра суҳбати» ўтказди.

* * *

Наманган шаҳридаги 3-болалар шифохонасида, бошланғич партия ташкилоти котиби Дилоромхон Алимбекова ташаббуси билан, Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечада касалхона бош шифокори М. Қодирхўжаев Алишер Навоий даври табобати ҳақида гапириб берди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**



Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва бегона ўтларга қарши заҳарли химикатлардан фойдаланиш натижасида атроф-муҳитга жиддий путур етмоқда. Шу боис ҳам Тошкент давлат аграр университетининг ўсимликларни ҳимоя қилиш энтомология ва интеграцияси кафедраси қошида ташкил этилган республика илмий ишлаб чиқариш биолабораториясида ибратли ишлар қилинмоқда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун зараркунандаларнинг табиий душмани бўлмиш ҳашоратлардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Биолаборатория трихограмма, габробракон ва олтинкўз билан республикамизнинг барча хўжаликларини таъминлайди. Зарур ҳолларда минтақаларда ўзининг бўлимларини ҳам ташкил этади.

Ўсимликларни биоҳимоя қилиш усули иқтисодий жиҳатдан фойдали. Масалан, бир гектар пахтазорга 3 грамм трихограмма қўйиб юборилса кифоя. Бу эса хўжаликка борйўғи 750 сўмга тушади. Бир литр химикат нархи эса 10 АҚШ доллари туради. Бунга техника, ёнилғи, мойлаш материаллари, иш ҳақи қўшилса қанчалик қимматга тушиши маълум. Айни пайтда ўзбек олимларининг тажрибаси тобора оммалашмоқда. АҚШ, МДҲ, Хитой, Миср, Япония, Германия ва Покистондан келиб тажриба ўрганмоқдалар.

*Суратда:* ўсимликларни ҳимоя қилиш энтомологияси ва интеграцияси кафедраси мудири, биология фанлари доктори, профессор Ҳожимурод Кимсанбоев иш устида.

■ **Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат**

ХАТЛАР, ХАТЛАР, ХАТЛАР...

## БИРГИНА ҚУЛАЙЛИК ҲАМ ЙЎҚОЛДИ

*Биз яшаётган жамоа хўжаликларидан туман марказига қатнаб ишлаётганларнинг ташвишига яна ташвиш қўшилди. Термиз—Сариосиё йўналишидаги уч жамоа хўжаликларида яшовчи фуқаролар учун жуда қулай бўлган «Бинокор» темирйўл бекатини 1999 йил 16 декабрь куни гап-сўзсиз темирйўл ишчилари бузиб ташлаб, бир неча йилдан бери яроқсиз ётган қўшни бекатни очишди. Шу сабабли фуқароларнинг манзили янада узоқ бўлиб қолди. Масалан, аввалари Ш. Худойназаров жамоа хўжалигидан туман маркази Деновгача 18 км., Ш. Рашидов жамоа хўжалигидан эса 12 км. бўлган бўлса, эндиликда бу масофа яна 9 км.га узоқлашди. Сабабини сўрасак, янги бекат атрофида «катта»ларнинг уйи бор эмиш. Шунинг учун темирйўл бекати ўша ёққа кўчирилибди. Шундоғам, масалан, Бинокор қишлоғи «Тупик» номини олган. Ҳатто бу ердаги ташкилотлар идораларида телефон ҳам йўқ. Газни-ку айтиб ўтирманг.*

*Қисқаси, қишлоқларимизга биргина қулайлик — «Бинокор» темирйўл бекати қайта очилса бас. Кўп савобга қолган бўлардингиз, агар бизга ёрдам берсангиз.*

■ **Денов туман Бинокор ва Алишер Навоий қишлоғи фуқаролари номидан Ҳ. НАЗАРОВ, Э. МУСТАФАҚУЛОВ**

# КИРОВНИ «СЎККАНИ» УЧУН ҚАМАЛГАН ОДАМ

**62 йил ўтиб тўла оқланди**

Сталинни этикдўз қўшнисига ўхшатгани учун Усмон Носир шўро сиёсати томонидан «халқ душмани» аталиб сургун қилинганида ёш йигит эди. Ёш йигит тугул, ҳатто гўдак ҳам Сталин шахсини оддий пролетариат вакилига ўхшатиши жиноят саналган йўқсиллар мамлакатида оддий халқ билан раҳбариятнинг ўртасида ана шундай ўлим жари бўлган. Бу жарлик Усмон Носир каби шоирлар, зиёлилар, минглаб илм ва дин аҳллари жасадлари ташланса-да тўлмади. Уйидан Қуръон чиққани учун қатл этилганларнинг эса саноғини бугун ҳам ҳеч ким билмайди. Қатағон келтирган ёвузликларни айтишга ҳозир ҳам катта матонат керак, чидам зарур. Шўро даврини бир-бир қаричлаб чиқиб даҳшатга тушасан киши — собиқ совет даври инсонларга бахт берган онлар бўлганми ўзи? 1917 йилда инсониятни иккига бўлиб, ер юзининг олтидан бир қисмида меншевикларни қонга ботирган шўро юҳоси 40-йилгача уларнинг думлари дея зиёлиларни бир-бир қиличдан ўтказди. Шўро сиёсатига озгина ишонқирамаганларни тиғи паррон қилди.

1941-45 йилги урушдан увадаси чиққан Шўро шу ҳолатида яна қўлларини қонга ботиришдан тўхтамади, қатағоннинг иккинчи даврини бошлаб берди. Халқ очарчиликдан қийналаётган бир пайтда унинг қонхўр кўзлари ҳамон оч эди. Сталин салтанати қулаши билан амалда қонхўрлик тугаган бўлса-да, то 80-йилларгача унинг иккинчи даври ҳукм сурди — фикр қатағонлиги дейилади бу давр. Бу даврда инсоннинг фикрини эмас, қўлини ишлатишди. Уни ерга, меҳнатга қул қилишиб, устидан оғу сепишди. 80-йилга келиб эса «пахта иши», «порахўрлик», «тозалаш» ниқоби билан яна қама-қама даври давом эттирилди. 90-йилда, ниҳоят, бу жарлик тўлди — Янаевнинг 3 кунлик подшолигидан сўнг 73 йиллик қўрқув ва қамоққа асосланган шўро ҳукмронлиги ўзи қазиган жарликка ўзи қулаб тушди. У бегуноҳ тўкилган қонларнинг уволига, хўрланган, ҳақоратланган инсонларнинг қарғишига қолди.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсоннинг қисматида ҳам шўро даврининг манфур тамғалари бор.

1917 йиллар. Отаси Раҳмонбой «қулоқ» номи билан совуқ ўлкаларга сургун қилиниб юборилди. Ва у киши шу кўйи қайтиб келмади. Муштипар она қўлида уч нафар вояга етмаган фарзанд чирқиллаб қолди. Болаларга бир бурда нонни топиб беришга ҳам қийналаётган онаизор Азиз ўғлини Термиздаги интернатга берди. У ерда Азиз ўқиб савод чиқаргач, Бойсунга қайтди, колхозда ишлай бошлади. Ижтимоий ишларда фаоллик кўрсатгани учун у яна 6 ойлик ўқишга юборилди. Кўп ўтмай Азиз шўролар армиясига кўнгилли бўлиб отланди. Хизматни Самарқандда ўтай бошлади.

1937 йил 31 декабрь. Оддий аскар Азиз Раҳмоновни НКВД ходимлари қўлларига кишан солишиб, Самарқандга олиб кетишди. Ўша кунги рус тилида тўлдирилган сўроқ баённомасини келтирамиз:

***Савол:*** *Ўзингизнинг аксилинқилобий-троцкийчи ва миллатчиликни тарғиб қилувчи барча танишларингизни айтиб беринг?*

***Жавоб:*** *Менинг бундай танишларим йўқ.*

***Савол:*** *Сизни ким аксилинқилобий йўлга бошлаган ва бу қачон содир этилган?*

***Жавоб:*** *Мен аксилинқилобчи эмасман ва мени бу йўлга ҳеч ким бошламаган.*

***Савол:*** *Нима учун сиз 1937 йил декабрь ойининг бошларида «халқ душманлари» томонидан ўлдирилган ўртоқ Кировни ҳақоратлагансиз?*

***Жавоб:*** *Ҳақиқатдан ҳам ўша куни мен ўртоқ Киров хотирасига бағишланган газетани ўқиётган эдим. Шунда хизматдошим билан ҳазиллашиб уни сўкдим.*

***Савол:*** *Сиз ёлғон кўргазма беряпсиз, газета ўқиётиб айнан ўртоқ Кировни сўккансиз.*

***Жавоб:*** *Йўқ, мен хизматдошимни сўкмоқчи эдим.*

Хуллас, Кировни ҳақоратлаган, ҳақоратлаганда ҳам аксилинқилобчи-троцкийча руҳда ҳақоратлаб, шўролар ҳокимиятини заифлаштирмоқчи бўлган каби айбларни тўнкаб, НКВД уни ҳарбий трибунал курсисига ўтқиздиради. «Одил совет суди» унга ушбу «жинояти» учун белгиланадиган жазонинг энг оғирини, 2 йил сиёсий ҳуқуқлардан ва беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шундай қилиб 2 декабрь куни «Ленин бурчаги» хонасида газета ўқиётиб ўртоғи билан талашиб қолганидаги сўкиш газетадаги ўртоқ С. Кировга нисбатан айтилган, дея талқин қилиниб, собиқ шўро аскаридан сиёсий душман ясалди. Ва мана шу советона пуфакдан туя ясаш усули унинг 11 йил узоқ шимолдаги Воркута қамоқ лагерларида азобланишига сабаб бўлди. Чунки жазо муддати тугаётганда уруш бошланган эди. «Халқлар доҳийси» Сталин Азиз Раҳмоновга ўхшаганларни ижтимоий хавфли ҳисоблаб, қамоқ муддатини чўздиришга буйруқ берди. Шўронинг сиёсатига қарангки, Азиз Раҳмоновнинг чўздирилган муддати жазо муддатидан ошиб тушди. У яна 6 йил Воркутанинг совуқ қамоқларида азоб чекди.



1949 йил. Ниҳоят 11 йиллик қамоқдан кейин у озод қилинди. Лекин Ўзбекистонга бориши тақиқланган Азиз Раҳмонов дастлаб Тожикистоннинг Қўрғонтепа шаҳрида яшай бошлади. Бироздан кейин жонажон юртига, Ўзбекистонга қайтишига рухсат тегди.

«Халқ душмани», «Қулоқнинг фарзанди» каби тамғалар билан у оила қурди. 8 нафар фарзандли бўлди. Лекин қўлини бигиз қилиб кўрсатишлар, кўпнинг товоғига қўшмаслик мустақиллик давригача давом этди. Мустақиллик Азиз бобо ва у киши каби минглаб одамлар шаънига тўқилган сохта айбларни бекор қилди, уларнинг фуқаролик шаънини қайта тиклади.

1991 йил. Бу санани Азиз бобо «Менинг қайта туғилишим», дейди.

2000 йил. 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъати ажрим чиқарди. Ажримга кўра, Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий трибуналининг 1938 йил 29 мартдаги Азиз Раҳмоновга нисбатан чиқарилган ҳукми бекор қилинди. Ва қилмишида жиноят таркиби йўқ, деб топилди.

Шундай қилиб орадан 62 йил ўтиб 85 ёшида Азиз бобо тўла оқланди. Шўро даврида унинг номига босилган шўро тамғаси шу кўйи ювиб ташланди.

У киши ҳозир Термиз шаҳрида дорулзамон кунларни дуо қилиб яшаяптилар. Ҳар гапларида мустақилликка, у берган неъматларга шукрона айтадилар. Зеро, ҳар биримиз бу шукроналарга қўшилмоғимиз шарт. Шу кунлар қадрига етмоқ ҳам фарздир.

■ **Зафаржон ШОДМОНОВ, ҳарбий прокуратура бўлим бошлиғи, Акбар ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

# ИЖАРАЧИ НЕГА САРСОН?

## БУ ЯНА ҚАНЧА ДАВОМ ЭТАДИ

> Гапирмай бажарган мард киши бўлар,
> Гапириб бажарса, ярим марддир у.
> Гапирсаю, бироқ бажармаса гар,
> У тўлиқ номарддир, эл ичра кулгу!
>
> Абулбаракот ҚОДИРИЙ

**Бир кам дунё эканда: бировга булбулнинг тили керак, бировга ҳақиқат. Ҳар ким ўз ўчоғига кул тортаверса, булбулнинг тилидек ҳақ сўзга зор бўламиз. Бу оддий деҳқон йигит келиштириб гапиролмасди, аммо ҳар недан устун адолатни тилга олди:**

**— Мана, Юртбошимиз ёшларга эътибор керак, демоқдалар. Қани ўша эътибор? Беш йилдан буён ҳақимизни ололмай сарсонмиз. Сиз ҳам ишимизни ўргандингиз, бироқ натижаси бўлмади. Энди бошимизни қайларга урайлик?**

**Очиғи, хижолатда қолдим. Шу масалани ўрганаётган кезларимда, қаттиқ шамоллаб, дардга чалингандим. Одам тафтини одам оларкан, энди мени адолатга ташна кишиларнинг изтироблари ўртай бошлади. Аслида таҳририятга деҳқон йигитнинг отаси мурожаат қилган эди:**

**«40 йил ўқитувчилик қилиб, нафақага чиққанман. Беш нафар фарзандимдан иккитаси касбимни эгаллаган, учтаси боболари сингари деҳқон. Гап шундаки, ўғлим Эргашев Дилшод Мейликул Бобоев номли хўжаликда ижарачи бўлди, оиламиз билан ишладик. 1995 йилда ҳар гектар ердан 70 центнердан буғдой етиштирдик. 1997 йилда 50 центнердан пахта олдик. Ғалла учун 40 фоиз ажратма ҳақида қарор чиқаришибди. Бу шартномада йўқ эди. Фақат 1997 йилда тузилган янги шартноманинг 2-бандида бу ажратма кўрсатилган.**

**Ҳақимизни талаб қилиб туман ҳокими, прокурори, судига мурожаат қилдик. Судья 5 ой судраб, 1999 йилнинг январь ойида рад жавоби берди. Республика Олий суди томонидан «давлат божини тўламаганингиз учун вилоят суди ишингизни кўрмаган», деган жавоб келди. Ўша йилнинг 23 августида ўғлим Китоб туман «Пахта банк»ига 14945 сўм тўлаб келди. Собиқ вилоят судьяси туман судининг қарорини тасдиқлаб, ишдан бўшаб кетди.**

**Бунинг устига еримизни олиб қўйишди. Вилоят ва туманнинг собиқ ҳокимлари суднинг адолатсиз қарорини тасдиқлашдан нарига ўтишмади. Энди эса «шикоятчи» деган номни олиб ўтирибмиз. Президентимиз ҳар битта сўзларида ислоҳотдан мақсад — меҳнатчи манфаатини ошириш демоқдалар. Биз эса ҳалол меҳнатимиз ҳақини ололмай оворамиз. Сарсон бўлдик. Шу ишларни матбуот орқали халққа билдиришларингизни сўраймиз.**

**Ижарачининг отаси Х. Эргашев».**

**Қочган ҳам худо деркан, қувган ҳам. Қадимгиларнинг шундай мақоли бор. Бу ҳикмат ушбу масалада узукка кўздек мос тушса-да, унга урғу бермаймиз. Бу ерда бошқа манзарага дуч келамиз. Ижарачи шунчалик кўп ташкилотларга мурожаат қилибдики, улардан келган жавоблар ва ҳужжатлар билан 2 та хатжилд тўлибди. Уларни диққат билан ўрганиб, хўжаликнинг бош ҳисобчиси Толиб Туропов ва собиқ бош иқтисодчиси (ҳозир тафтишчилар раҳбари) Шуҳрат Юнусовлардан янги ҳисоб-китоб маълумотларини олар эканман, бошқа фикр хаёлимдан ўтди. Денгизга чиққан кемага ҳаддан зиёд юк ортилса, чўкиб кетаркан. Агар таъбир жоиз бўлса, бу ўринда ҳам ижарачининг дони ортилган кема чўктириб юборилган. Кўтариб кўришга уринайлик-чи, чўктирилган кемада нималар бор экан?**

**Дастлаб, 1994 йил ҳақида. Ижарачи Эргашев Дилшодга хўжаликнинг 2-бригадаси ҳисобидан 4 гектар ер ажратилиб, ҳар гектар ердан 35 центнердан буғдой етиштириш юзасидан шартнома тузилган. Унда «Ижарачига ерни бир йил муддат билан ижарага беради ва режадан ортиқ олинган ҳосил 100 фоиз ижарачининг ўзига берилади», дея қайд этилган. Шартномани ижарачи Д. Эргашев, деҳқончилик ширкати раиси И. Туропов, касаба кенгаши раиси О. Маҳмудов, бош иқтисодчи Ш. Юнусовлар тасдиқлашган.**

**Дилшод оила аъзолари билан яхши меҳнат қилди. Натижада шартномадаги 35 центнер ўрнига 61,2 центнердан буғдой етиштирди. Бу бункер вазнида 27100 килограмни, тоза ҳолда 24480 килограмни ташкил этди. Демак, 10480 килограмм буғдой ижарачининг ҳақидир. Буни хўжаликда шу иш юзасидан тафтиш ўтказган ва 1998 йилнинг 13 июнь кунида далолатнома тузган «Агротаҳлил» аудиторлик фирмаси аудитори Раҳмат Халилов ҳам тўғри кўрсатган эди.**

**Афсуски, ижарачи ҳақини ололмайди. 1996 йилда ер берилмаса-да, ундан ер солиғи учун 561 сўм, мулк солиғи учун 73 сўм ушланади. Томорқа солиғига 224 сўм 33 тийин ўтказиб берилади. Омонат кассага 790 сўм (ижарачи буни сўрамаган) ўтказилган эмиш. Даромад солиғи, шанбалик, касаба уюшмаси бадали учун ушланганлардан ташқари 6437 сўм 90 тийин қолган ва 1997 йилга кўчирилган, уни ижарачи олган, деб ҳисобланади. Бу аудиторнинг ҳисоби ва ижарачи бундан мутлақо рози эмас.**

**Энди 1997 йилга келайлик. Шу йили Дилшод оиласи билан энди 5 гектар ерни ижарага олиб, пахта етиштиради. Яна шартнома тузилади. Бунда режадаги ҳосилдан келган даромаднинг 65 фоизи, режадан ошганининг 100 фоизи ҳисобидан ҳақ тўланиши кўрсатилади. Ижарачи шартномадаги 16,5 (33 центнердан) тонна ўрнига 21 тонна 311 килограмм пахта сотади. Аудитор барча харажатларни чегириб, ижарачи (режани ошириб бажарса ҳам?!) хўжаликдан 15040 сўм, бош иқтисодчи Шуҳрат Юнусов эса 10383 сўм қарздор бўлиб қолган, деб чиқармоқда. Дилшод Эргашевнинг айтишича, ишлатилмаган ўғитга имзо чектириб олишган. Биргина ўғитнинг ўзи 162 минг сўмни ташкил этади. Демак, гектарига 1 тоннадан ошиқ ўғит солинмоқда. Бунга ишониш қийинлигини тасдиқловчи ҳолат мавжуд. Аудитор бухгалтерия дафтарида заҳарли химикатлар 7920 сўм ҳисобланганлиги, аммо айримлари ишлатилмаганлиги, шунинг учун ҳақиқий харажат 4623 сўм эканлигини аниқлаган. Яна у техника харажатларига 2003 сўм қўшиб ёзилганлигини ҳам тўғри топган. Шундай экан, ижарачи катта миқдорда ўғит ишлатгани ҳақидаги ҳужжатга (агротехника талаблари ҳам буни инкор этади) қандай ишониш мумкин?**

**Осмон узоқ, ер қаттиқ. Ижарачини ҳеч ким тингламайди. Орадан ойлар эмас, йиллар ўтаверади. Сарсон бўлганлар охири Китоб туман судига мурожаат қиладилар. Туман судининг судьяси Д. Ашуров раислигидаги йиғилишда ижарачининг даъво аризаси 1999 йилнинг 4 январида кўриб чиқилиб, рад этилади. Вилоят судининг ҳам хулосаси шундай. Буни Қашқадарё вилоят судининг собиқ раиси Қ. Нурматовнинг республика Телерадиокомпаниясига (бир нусхаси Эргашевларда) 1999 йил 5 майда юборган Ф-4-70/2-сонли алоқа хати ҳам кўрсатиб турибди. Хулосани ўзгартирмай кўчирамиз: «Ижарачи Д. Эргашев 1995 йил ҳисобидан ижарага ер олиб, буғдой етиштирган бўлса-да, орада бир йил ишламай кетиб, 1997 йилга яна пахта етиштириш учун ижарага ер олиб, пахта етиштириб, оқибатда 1 январга 10386 сўм М. Бобоев ж.х.дан қарздор бўлиб қолгандан сўнг, 1995 йил ҳисобидаги ғалла шартнома асосида режага ортиқча топширилган ғаллани натура шаклида олишликни талаб қилмасдан келганлиги, жамоа хўжалигида ишламасдан келиши натижасида солиқ ва бошқа тўловларга ғалла ҳисобидан пуллар ушланиб қолинганлиги каби ҳолатлар билан суд тўғри хулосага келганлиги кўринади. Шу сабабли шикоятга кўра суднинг ҳал қилувчи қарорини бекор қилишга асос топилмади».**

**— Ёлғон, — дейди ижарачининг отаси Ҳаким Эргашев жиғибийрон бўлиб. — Мен қирқ йил болаларни саводхонликка, виждонли бўлишга ўргатиб келиб, бу сингари ғализ ва туҳматдан иборат хатни кўрмаганман. Ахир, қайси аҳмоқ ҳақини олмайман деб шикоят ёзиб юради? Бўш қоп тик турмайди, дейдилар. Ҳақимизни уч раисдан, беш йилдан буён ололмаймиз. Ер ҳам, иш ҳам беришган эмас. Оиламизку ғалла ва пахтадан шартномада кўрсатилганидан зиёд ҳосил олиб берди. Йўқ, бу жойда бошқа гап бор. Хўжаликларга боринг, деҳқонлар, ижарачилар зор қақшайди. Нима, шартномалар алдаш учун тузиладими? Адолатсизлик шу тарзда давом этаверса, қишлоқда қандай ислоҳот бўлиши мумкин? Ана шу аччиқ гапимни ҳам ёзинг!..**

**Ёшларга таълим бериб, кексайганда қалам тутган қўлларига кетмон олган, фарзандларини меҳнат қилиб ҳалол яшашга ўргатай деган кекса муаллим ва унинг ижарачи ўғли ҳақми ёки ноҳақми? Ҳақ бўлса, нега ҳақини ололмайди? Ноҳақ бўлса, нега бир неча йилдан буён турли ташкилотлар эшигида зор қақшаб, адолатни талаб қилади? Мен кекса муаллим ва ижарачи ўғли ҳамма масалада ҳақ, деган фикрдан узоқдаман. Бироқ ҳуқуқшунослар, айниқса, тажрибали ҳисобчилар билан маслаҳатлашар эканман, масаланинг хўжалик раҳбарлари, суд ходимлари ҳисобга олмаган айрим жиҳатлари юзага қалқиб чиқди. Бу ўринда мен Президентимизнинг Олий Мажлиснинг 1998 йил май ойида ўтган XI сессиясида сўзлаган нутқидаги «Қонунларимиз деҳқон манфаатига хизмат қилсин», деган ҳаётбахш мулоҳазаларига таяндим. Чунки айнан бу сўзлар қишлоқ хўжалигида кечаётган ислоҳотларни қамраб олувчи янги қонунлар қабул қилинганда айтилган эди.**

**Шундай экан, ижарачининг эътирозларида ҳам жон борми? Олайлик, туман суди ижарачи Д.Эргашевга тегишли 10480 килограмм буғдойнинг 40 фоизи маҳсулот билан, қолгани пул билан ҳисоблангани, ҳар хил солиқ ва тўловлардан кейин унинг ҳисобида 6437 сўм қолгани, бу 1997 йилда қарз бўлиб чиққанлиги туфайли узилиб кетганлигини асос қилиб олади. Энди эътибор беринг. Биринчидан, ижарачининг хўжаликдаги ҳақи бўлган 6288 килограмм буғдой 2 сўм 30 тийиндан баҳоланяпти. Ваҳоланки, шартномада режадан ошган маҳсулотнинг 100 фоизи берилиши ҳақидаги келишув меҳнатчини рағбатлантиришга қаратилган. Чунки 1995 йилда бозорда бир килограмм буғдой 25-30 сўм бўлган бўлса, ўтган йилга келиб 80-100 сўмга кўтарилди. Ана шу буғдойнинг бир тоннаси билан ҳамма қарзларни узиш мумкин эди. Бозор шароитидаги нарх-наво ҳисобга олинмаса, ижарачи деҳқонларни режани ошириб бажаришга қизиқтириб бўладими?**

**Иккинчидан, шартноманинг 3-бандида шартномани тўхтатиш учун томонлар 2 ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради, дейилган. Д. Эргашевни ҳеч ким огоҳлантирмаган. Масала тор доирада ҳал қилинган. Учинчидан, хўжалик бошқаруви ҳайъатининг 1995 йил 10 августдаги қарори билан ижарачига режадан ошиқ маҳсулотнинг фақат 40 фоизини беришга келишилмоқда. Суд ҳам шу қарорга таянмоқда. Аммо шартнома 1994 йилда тузилган. Ғалла ҳосили июнь ойида йиғиштириб олинган. Шартномага кўра, режадан ошиқ маҳсулот шундай берилади. Агар пулга чақиладиган бўлса, даромад солиғини ҳисоблаш учун шундай қилинади. Энди қарорнинг ўзига келайлик. Ижарачи шартнома шартларини тўлиқ бажариб, юқори ҳосил етиштиргандан кейин, янги, бошқача ҳақ тўлашни жорий қилиш деҳқонни алдашдир! Ундан ташқари жамоа хўжаликлари бошқарув ҳайъатлари шартномалар тузади, аммо ҳақ тўлашни ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас. Низомга кўра, йил охирида ўтадиган умумий йиғилишда ҳақ тўлаш, мукофотлар миқдори келишиб олинади. Ва уни умумий мажлис қатнашчилари тасдиқлашлари шарт. Эътиборли жойи шундаки, бу талаблар 1998 йил апрель ойида амалга киритилган «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунда қатъий кўрсатилган. Даромадларни тақсимлаш ҳуқуқи фақат умумий мажлисга юклатилган.**

**Тўртинчидан, ҳадисда меҳнатчининг пешона тери қуримасдан туриб, унинг ҳақини бериш айтилган экан. Бизнинг адолатли қонунларимизнинг мағзига сингдирилган, бу талаб. Аммо 1994 йилда шартнома тузиб, режасини ошириб адо этган ижарачининг ҳақини 1995-1996 йилларда ҳам узмай, 1997 йилги харажатларга қўшиб юбориш қайси қонун ёки низомда бор? Яна ишламаган ижарачидан ер солиғи, шанбалик учун пул ушлаб қолинса... Яна 1997 йилда аудитор ижарачи ҳисобига техника, кимёвий моддалар учун ўзи йўқ харажатларни қўшиб ёзилганини аниқласа-да, ҳеч ким эътибор бермаса...**

**Бу воқеанинг айнан Китоб туманида юз бергани ҳам бежиз эмас. Ўтган йили вилоятнинг янги ҳокими туман фаоллари билан учрашувда «нега миллион сўмлаб соф фойда олинган-у, аммо арзимас дивиденд тўланганини»ни сўраганда, ҳеч ким жавоб бермаган эди. Бунинг сабаби шундаки, айрим хўжаликларда харажатларни бир йил олдинга суриб қўйиб, «соф фойда» чиқаришдек ярамас усул жорий қилинган эди. Ўзи йўқ фойдадан ким манфаатдор?**

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда Президентимиз томонидан ўртага қўйилган вазифалар ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр Дилшод Эргашевнинг тақдири кўз ўнгимга келади. Унинг бобоси раис, қирқ йил бригада бошлиғи бўлган машҳур деҳқон эди. Дилшод ҳам яхши деҳқон бўла олишини исботлади. Аммо унга ер беришмади. Бинобарин, ҳозир хўжалик қарзга ботган, ўтган йили пахтачиликдаги 434 ижарачидан 335 таси шартномани бажармади. Чунки ишлайдиган, деҳқончиликда уқуви бор одамларга ер бериш керак эди?!**

**Китоб туманига ҳуқуқшунос Сайфулло Азизовнинг ҳоким этиб тайинлангани айни муддао. Негаки, Бош Қонунимизни — Адолат қомуси сифатида эъзозлаётган эканмиз, ишлаган ҳақимизни олишимизга ишончимиз комил.**

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

XX АСР ДОНИШМАНДЛАРИ

# ВИТГЕНШТЕЙН ЛЮДВИГ ҲИКМАТЛАРИ

*Австриялик файласуф. «Фалсафий-мантиқий трактат» (1921), «Фалсафий тадқиқотлар» (ўлимидан сўнг— 1953 йилда чоп этилган) китоблари муаллифи.*

*1889 йил 26 апрелда Венада яҳудий оиласида туғилган. 14 ёшгача уйда тарбияланган. 1908-1911 йилларда Манчестер университетининг техника факультети талабаси бўлган. Ўз фалсафий қарашлари шаклланa бошлаган Витгенштейн 1912 йили Кембриж университетига ўқишга киради. Бир йил ўтар-ўтмас Норвегияга кетиб, танҳо яшайди ва ўз фалсафаси бўйича иншолар битади.*

*Биринчи жаҳон урушида Австрия-Венгрия армияси сафида хизмат қилади. Урушдан сўнг отасидан қолган меросдан воз кечиб, ночорларга хайрия этади.*

*1920-26 йилларда Қуйи Австриянинг қишлоқларидан бирида ўқитувчилик қилади.*

*1928 йилдан Кембрижда дарс бериб, маърузалар ўқийди. 1947 йилдан эса Ирландияда яна танҳо яшай бошлайди. Икки йил ўтгач, ракка чалинади ва 1951 йил 28 апрелда дунёдан кўз юмади.*

**Гўё файласуфона мазмун берилган гапларнинг ва саволларнинг жуда кўпи ёлғон деса бўлмас-у, лекин маънисиздир. Шунинг учун ҳам бундай саволларга умуман жавоб бериб бўлмайди, фақат унинг маънисизлигини қайд этиш мумкин холос.**

●●●

**Ҳавас тажовузкорликдан йироқ, лекин завқланиш қудрати кучли туйғудир.**

●●●

**Ҳукмронлик ва бойлик бошқа-бошқа, гарчи бойлик ҳукмронликни инъом этиши мумкин бўлса-да.**

●●●

**Мантиқда ҳеч нарса тасодифий эмас.**

●●●

**Нимага ишонишимиз нимани ўзлаштирганимизга боғлиқ.**

●●●

**Барча ишлар хоҳишнинг қандайлигидан келиб чиқади.**

●●●

**Биз кўраётганларнинг барчаси бошқача бўлиши ҳам мумкин эди.**

●●●

**Фалсафий пойгада кимки секин югурса, кимки маррага энг охирида етиб келса ўша ютади.**

●●●

**Даҳолик — истеъдоднинг мардонаворлигидир.**

●●●

**Бирор-бир ҳаракатнинг салбий ҳолати юзага қалқиб чиқиши учун аввалaмбор ўша ҳаракатнинг ижобий кўриниши яшаётган бўлиши керак.**

●●●

**Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам фақат субъект орқали юзага келади.**

●●●

**Агар одамлар томонидан бемаъниликлар, ахмоқлигу номаъқулчиликлар содир этилмаганида эди, ақлли, донишмандона фикрлар ҳам ҳеч қачон туғилмаган бўларди.**

●●●

**Фикрлашга хоҳиш — бошқа, фикрий истеъдод соҳиби бўлиш бошқадир.**

●●●

**Хоҳиш — бу фаолият эмас.**

●●●

**Ҳар бир хатодан маъно ахтар, хулоса чиқар.**

●●●

**Тафаккур — фактларнинг мантиқий суратидир.**

●●●

**Фикр нимаси биландир ноёблик касб этиши лозим.**

●●●

**Машинкаланган қаторлардаги сўзларнинг мантиқий дунёси қанчалик кенг миқёсда бўлгани билан уни печатлаган машинканинг гажаги ўз қолипидан ташқари чиқолмайди.**

●●●

**Эски иборалар билан ҳам янги фикр айтиш мумкин.**

●●●

**Ҳаёт муаммоларини сиртдан ечиб бўлмайди, уни фақат ичдан «емириш» мумкин.**

●●●

**Фалсафада ишлаш — ўз устингда ишлаш демак.**

●●●

**Бола муғомбирлик қилиши учун аввал кўп нарсани ўрганиши керак.**

●●●

**Қўрқув билан қўрқувнинг сабабларини ажрата билиш даркор.**

●●●

**Иккиланиш мавжуд — қаердаки савол туғилса, савол бўлади — қачонки жавоб мавжуд экан, жавоб бор — қаердаки нимадир айтилган бўлса.**

●●●

**Бошқалар қойил қолиши учун эмас, балки сени дилдан самимий севишлари учун кураш.**

●●●

**Истеъдод — доимо янги ва тоза сувларни ато этувчи булоқ. Лекин ундан тўғри фойдаланмаса қуриб қолиши мумкин.**

●●●

**Муваффақиятли муқояса ақлни пешлайди.**

●●●

**Фалсафа машғулот эмас, балки фаолиятдир.**

●●●

**Тил организмимизнинг кичик бир қисмидир, аммо у улкан мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин.**

●●●

**Тил — фикрни қайта кийинтиради.**

●●●

**Билим фақат ўз тажрибаларимиздан эмас, балки бошқаларнинг ҳаётий тажрибаларидан ҳам чарxланади.**

■ **Аз. НАҲГРУДИЙ ва Алимқул СУЛТОН таржимаси**

## ШОИРНИНГ ҚЎШИҒИ

«Шеър — шоирнинг қўшиғи. Шеър ўқилмайди, балки ижро этилади».
***Абдулла ОРИПОВ***

Халилла, Халилла[1]
Шеър ўқишинг ашулла.
Тилинг — чолғу, бўғзинг — тор.
Довушинг бор жарангдор.

Халилла, Халилла,
Шеърият — ҳикмат илло,
Шеърни ўқиш ибодат,
Яратганга муножот.

Халилла, Халилла,
Довушдан ожиз имло.
Тилсиз қалам ва қоғоз
Овоз бўлолмас, овоз.

Халилла, Халилла,
Халқнинг мероси тилла —
Бахшиларни туққан тупроқ,
Миртемир чалган қўнғироқ.

Халилла, Халилла,
Устоз Абдулла ака —
Бутун жаҳонда булбул
Қошғарийдан қолган тил.

Сор деди-ё, сор деди,
Тоғлар боши қор деди.
Зўр куйладинг, биздаям
Сендай чолғу бор деди.

Халилла, Халилла,
Дўмбира чалдим шу палла.
Мен сенга жўра бўлдим,
Сен менга жўра бўлдинг.

Халилла, Халилла,
Ялла, ялла, ялла.
Янграйверсин баралла
Терма, достон, ашула.

*1. Халилла — қорақалпоқ шоири Халилла Давлатназаров.*



ШЕЪР ВА ШУУР

**Рустам МУСУРМОН**

# ҚОШҒАРИЙДАН ҚОЛГАН ТИЛ

## БАҚАН

***Наутака[1] қизини келин қилиб, бошқа юртга олиб кетаётганда Наутака йигитлари бақан тутади. Учқур отлари билан келин олиб кетаётган карвоннинг олдини ўрайди. Бақаннинг ҳақини олтин танга билан тўлашни сўрайди. Куёвнавкарлар қанча олтин берсалар ҳам Наутака йигитлари рози бўлмайди. Бақанни очмайди. Чаппа гапириб, куёвжўраларнинг ғашига тегади. Жанжал қилиш учун минг бир баҳона излайди. Майдонда куёвнинг ўзи билан яккама-якка кураш тушишни кўзлайди.***

***«Агар куёв бизни курашда енгса, шу бақаннинг ичидан келинни соғ-омон олиб чиқиб кетса, ҳалоли бўлсин! Ундай йигит ўзининг юртини ҳам, аҳли аёлини ҳам душмандан ҳимоя қила олади. Агар куёв курашда енгилса, бақанни очолмаса, ўзидан кўрсин! Биз юртимизнинг қизини ундай йигитга бермаймиз» деган ор бўлади Наутака йигитларининг юрагида.***

***Оксиартнинг[2] қизи соҳибжамол Рохшанакни келин қилиб олиб кетишаётганда ҳам Наутака йигитлари бақан тутган.***

Рохшанакнинг зори бордир,
Балки севар ёри бордир.
Тўй кечаси бақан тутган
Йигитларнинг ори бордир.

Менсимаймиз зўрингни ҳам,
Тан олмаймиз заррингни ҳам.
Бақан тутиб, саваганмиз
Ҳатто Искандарингни ҳам.

Халқ нақли бор: «Куёв бу — ёв»,
Ёвлар эса бўлмас баёв.
Наутака йигитлари
Ёварига бермас аёв.

Дунёга учган куёвлар,
Ҳаддидан ошган куёвлар —
Келинчакнинг сепларига
Ватанни қўшган-ку ёвлар.

Суғдиёна гўзалига
Куёв бўлсанг, жонингдан кеч...
Наутака ерларида
Курашсиз тўй бўлмайди ҳеч.

Бақан бу — бир ҳалқа экан,
Қўрғон экан, қалъа экан.
Юртни ўраб, асраб турган
Бақан халққа қалқон экан.

*1.Наутака — ҳозирги Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Яккатут, Кўмиртепа, Сафарча, Узунқир қишлоқлари ҳудуди эрамиздан олдинги биринчи минг йилликларда Суғд мамлакатининг пойтахти бўлган. 2. Оксиарт — Наутака ҳукмдори.*

## ВАРРАК

*(Болаларимга)*

Баланд осмондаги кўм-кўк яйловда
Дик-дик чопаётган оппоқ тойчоғим,
Туёғидан юлдуз чақнайдиган от,
Димоғидан булут пуркайдиган от.

Кўм-кўк яйловдаги баланд осмонга
Учиб бораётган оппоқ тойчоғим,

Кокилингга қизлар қарайди куйиб,
Ёлларингни шамол тарайди суйиб.

Кўм-кўк яйловдаги оппоқ тойчоғим,
Сингиб бормоқдаман баланд осмонга,

Арқонингни узун ташлайман ўзим,
Жиловингдан торта бошлайман ўзим.

Баланд осмондаги кўм-кўк яйловда
Дик-дик чопаётган оппоқ тойчоғим,
Туёғидан юлдуз чақнайдиган от.
Димоғидан булут пуркайдиган от.


# «DON-NON»

**очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!**

***2001 йил 27 март соат 11.00 да акциядорларнинг умумий мажлиси бўлишини маълум қилади.***

**Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Гёте кўчаси, 50-уй.**

КУН ТАРТИБИ:

1. «DON-NON» ОАЖнинг 2000 йил молиявий-хўжалик фаолиятини тасдиқлаш.
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 2000 йилги ҳисобот балансини тасдиқлаш. Фойда ва зарарни таҳлил қилиш.
4. Ҳар хил масалалар.

**ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ, ПРЕДПРИЯТИЙ, ФИРМ И АССОЦИАЦИЙ!**

**Тендерная комиссия**

# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

**объявляет тендерные торги на поставку в 2001 году:**

***1. Локомотивные запасные части к тепловозам ТЭМ-2 на сумму 2,8 млн.долл. США***

***Форма оплаты: по факту поставки в долл. США из собственных валютных средств.***

***2. Колеса цельнокатонные для вагонов количестве 5000 штук ГОСТ-10791 Д=950 мм и 175 мм.***

***Форма оплаты: по факту поставки на выделенную конвертационную квоту.***

***Для участия в тендере участники могут получить пакет тендерных документов после оплаты невозвратной суммы в размере 10000 сум по адресу: 700060 г. Ташкент, ул. Тараса Шевченко, 7.***

***ОАО «Темирйўлтаъмин» ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари»***

***Р/с 20210000900122857001 в Мирабадском отд НБ ВЭД РУз.***

***МФО-00875.ИНН-200640734.***

***Участники тендерных торгов для участия в тендере должны внести задаток 3% от расчетной стоимости закупки товара по адресу:***

***700060. г. Ташкент, ул. Тараса Шевченко, 7, ГП «Узбекжелдорэкспедиция»***

***Р/с20210000200117871001 в ГОПЕРО НБ ВЭД РУз. МФО-00407 ИНН-201534405.***

**По условиям тендера обращаться по телефону: 59-63-98, 59-67-98. факс (3712) 54-96-02.**
**Заявки на участие в тендере принимаются в течении 20 дней с момента опубликования объявления.**

# ТАШКИЛОТ

**Россияда ишлаб чиқарилган қуйидаги товарларни сотади**

| № | *Насос агрегатлари:* | *Миқдори, дона* |
|---|---|---|
| 1 | СЭ 5000-70-6 (дв. ДАЗО-2-16-59-4У1) | 1 |
| 2 | СМ 125-80-15/4 | 5 |
| 3 | СМ 250-200-400/4 (дв. АМ 355 С-4 УЗ) | 2 |
| 4 | Ш. 80/16 (дв. АНМП-180 М БУР) | 4 |
| 5 | А 50-10 | 4 |
| 6 | Б 100-40 | 2 |
| 7 | 200 Д-90 (дв. ВВ А 355 L4 6 kV) | 2 |
| 8 | AI 3В 16/25 (дв. 4 АМ-180 С2УЗ) | 4 |
| 9 | Сув ўтказмайдиган брезентлар | Хоҳланган миқдорда |

**Мурожаат учун манзил: Юнусобод тумани, Муродов кўчаси, 9а-уй, 303-хона. Тел.: 22-39-92**


Туғилган кун

## КИМ? ҚАЧОН?

**26 ФЕВРАЛЬ**

**Сергей ВОЙНОВ** (1977) — енгил атлетикачи, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони.

**27 ФЕВРАЛЬ**

**Акмал НУРИДДИНОВ** (1959) — рассом, академик.
**Исмоилжон АБДУЛЛАЕВ** (1953) — республикада хизмат кўрсатган артист.
**Бахшилла РАЖАБ** (1950) — шоир, драматург.

**28 ФЕВРАЛЬ**

**Аҳад ҲАМИДОВ** (1942) — республикада хизмат кўрсатган артист.
**Баҳром БОЗОРБОЕВ** (1964) — «Лазги» рақс дастаси созандаси.

**1 МАРТ**

**Ғуломжон ЁҚУБОВ** (1950) — Ўзбекистон халқ артисти.
**Малик МУРОДОВ** (1946) — Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали театри мусиқачиси.
**Муҳаммадали АҲМЕДОВ** (1942) — ёзувчи.
**Аҳмаджон НУРМАТОВ** (1935) — ёзувчи.

**2 МАРТ**

**Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ** (1929) — ёзувчи.
**Толиб МЎМИНОВ** (1971) — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри.

**3 МАРТ**

**Тоғай МУРОД** (1948) — ёзувчи.
**Эркин ХУШВАҚТОВ** (1959) — ёзувчи, драматург.

**4 МАРТ**

**Абдулла СУБХОНОВ** (1955) — ёзувчи.
**Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ** (1975) — «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

*Табриклаймиз, қутлаймиз!*
???133-12-56!!!
*Қўнғироқларингизни кутамиз.*


**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2001 йил 28 март куни соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларга таклиф этади.**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. Оққўрғон тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Т-28х4» трактори, давлат рақами 58-53 ТИ.
***Бошланғич баҳоси — 95000 сўм.***

2. Янгийўл тумани АЖ ЭРМЗ «Мева-сабзавот»га қарашли «ВАЗ-2121» автомобили, давлат рақами 11 АА 689.
***Бошланғич баҳоси — 105000 сўм.***

3. Янгийўл тумани АЖ ЭРМЗ «Мева-сабзавот»га қарашли «УАЗ-3303-01» автомобили, давлат рақами 11 АА 116.
***Бошланғич баҳоси — 91000 сўм.***

4. Юқори Чирчиқ тумани «5-сон автокорхона» ОТҲЖга қарашли «ГАЗ-2411» автомобили, давлат рақами 11 АС 192.
***Бошланғич баҳоси — 128000 сўм.***

5. Қибрай тумани давлат санитария эпидемиология назорат марказига қарашли «Раф-22031» автомобили, давлат рақами 18-46 ТШС.
***Бошланғич баҳоси — 141000 сўм.***

6. Чиноз тумани «Олмазормебель» ҲЖга қарашли «ГАЗ-2401» автомобили, давлат рақами 11 АА 662.
***Бошланғич баҳоси — 198000 сўм.***

7. Ангрен шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Иж-2715101» автомобили, давлат рақами 11 АА 901.
***Бошланғич баҳоси — 90000 сўм.***

8. Янгиобод шаҳар касалхонасига қарашли «УАЗ-469Б» автомобили, давлат рақами 18-87 ТШС.
***Бошланғич баҳоси — 91000 сўм.***

9. Янгиобод шаҳар касалхонасига қарашли «УАЗ-374101» автомобили, давлат рақами 48-06 ТШС.
***Бошланғич баҳоси — 91000 сўм.***

***Шунингдек, аввалги савдода сотилмай қолган автотранспортлар, ер майдонлари, иншоотлар ушбу савдода сотилиши мумкин.***

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9- ва 10-хоналар. Тел.: 133-28-52, факс: 133-49-31.**



BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
*Siyosat va huquq — 133-44-55*
*Iqtisodiyot — 133-76-04*
*Ma'naviyat — 133-07-20*
*Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16*
*Axborot — 133-12-56*
*Kotibiyat — 133-72-83*
*Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80*
*Faks — 133-73-43, 133-06-83*

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
*Andijonda — 25-16-16;*
*Buxoroda — 222-10-92;*
*Gulistonda — 25-03-80;*
*Jizzaxda — 5-49-85;*
*Navoiyda — 3-39-20;*
*Namanganda — 6-43-43;*
*Nukusda — 222-70-12;*
*Samarqandda — 35-20-54;*
*Toshkentda — 136-53-16;*
*Urganchda — 226-51-35;*
*Fargonada — 26-43-62;*
*Qarshida — 4-61-35;*
*Termizda — 3-79-98.*

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOʻCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon koʻchasi, 41-uy.*

*Gazeta Ózbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qómitasida 00004-raqam bilan róyxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*
«Ózbekiston ovozi» materiallarini kóchirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2002

*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 23.00.*
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA